


Аллох Куръонда дейди:

أَوْ كَظُلُمَاتٍ فِي بَحْرٍ لُّجِّيٍّ يَغْشَاهُ مَوْجٌ مِّنْ فَوْقِهِ، مَوْجٌ مِّنْ فَوْقِهِ،
سَحَابٌ مُّظْلِمَاتٌ بَعْضُهَا فَوْقَ بَعْضٍ إِذَا أَخْرَجَ يَكْدُهُ، لَمْ يَكْدِ يَرْتَهَا وَمَنْ
لَّمْ يَجْعَلِ اللَّهُ لَهُ نُورًا فَمَا لَهُ مِن نُّورٍ ﴿٤٠﴾

«Ёки (кофирларнинг килган амаллари) устма-уст тўлкин ва унинг хам устида (кора) булут коплаб олган денгиздаги зулматларга ўхшайди. (Улар) устма-уст зулматлардир. У ўз кўлини чикариб (караса) кўришга якин бўлмас...». (24:40)


Мазкур оят денгиз ва океан тубликлариди бўладиган коронгиликка ишора килиб, у ерларда инсон кўлини узатса (ёйса), кўринмаслиги хабарини бермокда. Океан ва денгизларда 200 метр чукурликдан бошлаб шу каби коронгилик бошланади. Бундай чукурликда ёруглик деярли йўколади(1-расм). 1000 метр чукурликда эса ёруглик умуман мавжуд бўлмайди.



Расм 1. Куёш нурунинг Здан 30 фоизгачаси юза кисмдан кайтиб кетади. Сўнг кўк рангдан ташкари, 7 хил рангларнинг деярли хаммаси кетма-кет равишда шимиб олинади.

Оятнинг ушбу «...устма-уст тўлкин ва унинг хам устида (кора) булут коплаб олган...»

жумлаларида биз океан ва денгиз сувлари тўлкинлар билан коплангани, ушбу тўлкинларнинг устида бошқа тўлкинлар борлиги хакида маълумот борлигини кўрамиз. Шу нарса равшанки, иккинчи гуруҳ тўлкинлар бу биз кўрадиган ташки тўлкинлар экан. Чунки оятда таъкидланмоқдаки, иккинчи гуруҳ тўлкинлар устида булутлар бор. Биринчи (гуруҳ) тўлкинлар каерда экан? Олимларнинг фикрларига кўра, улар турли зич катламлар оралигида юзага келадиган алоҳида тўлкинлар экан (2-расм).



Расм 2. Турли зичликка эга сув катламлари ўртасидаги юза қисмлардаги ички тўлкинлар. Бири зич (пастдагиси), бошқасининг эса зичлиги камроқ (юкоридагиси).

Яъни ички тўлкинлар икки катлам: куйи зич катлам билан зичлиги кам бўлган юкори катлам ўртасида мавжуд бўладиган тўлкинлардир. Ички тўлкинлар океан ва денгизларнинг тубидаги сувларини коплайди, чунки бу сувлар юкоридаги сувларга караганда зичроқдир. Ички тўлкинлар юза тўлкинлар каби харакатланади. Ички тўлкинларни инсон кўзи илгамайди, лекин уларнинг хароратини ёки чучуклигини аниқлаш йўли билан билиш мумкин.

Шу ерда бир лахза тафаккур қилайлик азизлар. Биламизки, инсон зоти сув ости кемасиз ёки махсус воситаларсиз 40 метрдан куйига шўнгий олмайди. Инсон океаннинг чукур қоронги жойида, мисол учун атиги 200 метр чуқурлигида чўкаётган махлукот ёки мавжудотни кутқариш қобилиятига ҳам эга эмас. Олимлар кейинги вақтлардагина сув ости кемаси ҳамда махсус воситалар ёрдамида океанга шўнгиб қоронгиликдан хабар топишди. Ёки бўлмаса ички тўлкинларни олинг. Ким айта олади, Мухаммад (соллаллоху алайхи васаллам) илмий тадқиқотлар ўтказиб, бу оятларни ўзлари ёзган деб?!